

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24.30/12.2019.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ» ДМ

ҚОДИРОВ ОЛИМЖОН ЗОҲИРЗОДА

**ШОХЕТОВ МАЙДОНИ (ҒАРБИЙ АУМИНЗАТОВ) ОЛТИН
МАЪДАНЛАШУВИНИНГ МИНЕРАЛОГИК-ГЕОКИМЁВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚИДИРУВ БЕЛГИЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси,
уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қодиров Олимжон Зоҳирзода Шохетов майдони (Ғарбий Ауминзатов) олтин маъданлашувининг минералогик-геокимёвий хусусиятлари ва қидирув белгилари.....	3
Қодиров Олимжон Зоҳирзода Минералого-геохимические особенности и поисковые признаки золотого оруденения Шахетауской площади (Западный Ауминзатау)	22
Qodirov Olimjon Zohirzoda Mineralogical-geochemical characteristics and prospecting signs of gold mineralization of the Shokhetov field (Western Auminzatov).....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24.30/12.2019.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ» ДМ

ҚОДИРОВ ОЛИМЖОН ЗОҲИРЗОДА

**ШОХЕТОВ МАЙДОНИ (ҒАРБИЙ АУМИНЗАТОВ) ОЛТИН
МАЪДАНЛАШУВИНИНГ МИНЕРАЛОГИК-ГЕОКИМЁВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚИДИРУВ БЕЛГИЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси,
уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/GM202 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси «Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти» давлат муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mridm.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Карабаев Маматхан Садилович**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мовланов Жаҳонгир Жўрабекович**
геология-минералогия фанлари доктори

Умаров Акромиддин Зайниддинович
геология-минералогия фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: «Ўзбек геология кидирув» АЖ

Диссертация химояси «Минерал ресурслар институти» ДМ хузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «30» 04 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел: (71) 209-08-69; e-mail: info@mridm.uz; gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (344/рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел: (71) 209-08-69).

Диссертация автореферати 2024 йил «9» 04 кун таркатилди.
(2024 йил «1» 04 даги 17 рақамли реестр баённомаси.)



М.У.Исоқов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

С.Сайитов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, г.-м.ф.ф.д. (PhD)

М.М.Пирназаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугун дунёда бўлгани каби бизнинг мамлакатимизда ҳам янги конларни, шу жумладан, олтин конларини қидириш ва башоратлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Худудида йирик олтин конлари мавжуд бўлган бир қатор ривожланган давлатлардаги конларни ўрганиш бўйича олиб борилган мажмуавий тадқиқотлар шундан далолат берадики, олтин қамровчи жинслар ва маъдан таналарнинг моддий таркибини ўрганиш бўйича таҳлил натижалари маъданлашувнинг ҳосил бўлиш шароитларини аниқлаш ва уларни башоратлаш мезонларини ишлаб чиқишда жуда муҳим маълумот манбаи ҳисобланади.

Бугунги кунда айнан шу каби башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, конларни қидириш ва башоратлашнинг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқишда маъданларнинг минералогик ва геохимёвий хоссаларини, улар таркибидаги турли хил фойдали бирикмаларнинг намоён бўлиш шаклларини, ҳамда маъданли таналарнинг морфологиясини ўрганиш ва аниқлаш ижобий натижалар олиш имконини бермоқда.

Республикамизда кейинги йилларда геология-қидирув ишларини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш ва соҳани ислоҳ қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, ёпиқ майдонлардаги яширин конлар тоифасига мансуб янги олтин маъданли объектлар аниқланди (Ауминзатов тоғларининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган Шохетов, Узунқудук, Қумтош ва б. майдонлари). Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида «Соҳани янада ривожлантириш, такомиллаштириш, жадаллаштириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Ауминза тоғларида яширин олтин маъданлашувини башорат қилиш мезонларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармонида, 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон, 2021 йил 21 апрелдаги «Геология соҳага инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5083-сон ва 2022 йил 3 августдаги «Маҳаллий минерал хомашё ресурслари асосида юқори технологик металллар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-343-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони.

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзига хос геологик тузилишга эга бўлган Қизилқум региони турли маъданли ва номаъдан фойдали қазилмалар намоён бўлган макон сифатида доимо геологларнинг эътибори марказида бўлган. Саноат аҳамиятига эга бўлган объектларни аниқлаш учун ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб ушбу ҳудудда, шу жумладан Ауминзатов майдонида 1960-йиллардан то 2000-йилларга қадар кўплаб геологик, геофизик, ихтисослаштирилган мавзуга оид ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилган (Е.Т. Кононихин, Н.И. Поздняков, Г.И. Журавлев, Ю.Ф. Баскаков, А.К. Воронков, Х.С. Сарбаев, Е.Л. Спиридонов, В.В. Шкарупа, А.В. Толоконников, В.А. Аверочкин, И.Б. Тўрамуратов, Ю.К. Быковский, В.В. Смирнов, В.А. Коннов, Е.К. Дерюгин, С.Ю. Петров, В.М. Хейфиц, М.С.Карабаев ва б.), уларнинг натижалари кўплаб илмий ишлар ва геологик ҳисоботларда ўз аксини топган.

Кейинги йиллар давомида Марказий Қизилқум ҳудуди, жумладан Ауминза тоғларида бир қатор янги конлар, маъдан нишонли истиқболли майдонлар аниқланган. Саноат аҳамиятига эга бўлган объектларнинг моддий таркибларини батафсил ўрганиш, аниқланган объектларни ишлаб чиқаришга жалб этиш жадаллигини оширишга олиб келади. Шу нуқтаи назардан янги Шохетов истиқболли майдонида олтин маъданлашуви ва қамровчи жинсларнинг минералогик-геокимёвий тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Геология ва геофизика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг: 12-2020-сон «Марказий Қизилқум маъдан-магматик тизимларнинг шаклланиш ва жойлашув омиллари яширин маъданлашувни башоратлашнинг асослари сифатида» (2020-2025) ва 26/2023-сон «Марказий Қизилқум интрузив ҳосилалари, метасоматитлари ва маъданлашувнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш турли хил маъданлашувни қидириш ва башорат қилишнинг петрометаллогеник асослари сифатида» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ауминза тоғларидаги Шохетов истиқболли майдонининг маъдан қамровчи тоғ жинслари, маъданларнинг минералогик-петрографик тавсифи, ҳамда асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиш хусусиятларини аниқлаш, излаш-башоратлаш мезонларини ажратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Шохетов майдонида тоғ жинслари ва маъданларнинг минералогик таркибини аниқлаш;

олтин маъданлашувининг маҳсулдор минерал ассоциацияларини ажратиш, асосий минералларни аниқлаш;

асосий маъданли ва жинс ҳосил қилувчи минералларнинг типоморф хусусиятларини ўрганиш;

асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тоғ жинслари ва маъданлашув зоналарида тарқалиш хусусиятларини аниқлаш;

худудда яширин олтин маъданлашувини қидиришнинг минералогик ва геокимёвий мезонларини ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ауминза тоғларидаги Шохетов истиқболли майдони танланган.

Тадқиқотнинг предмети Ауминза тоғларидаги Шохетов майдонининг олтин маъданлашуви ва уни қамровчи тоғ жинсларининг минералогияси, петрографияси ва геокимёвий хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда, юқори аниқликка эга бўлган замонавий рентген-микрозонди (Jeol Superprobe JXA-8800R), масс-спектрометр (ICP MS), «Nikon ECLIPSE LV100N POL» микроскоплари қўлланилган бўлиб, лаборатория шароитида олинган петрографик, минералогик ва геокимёвий маълумотларни назарий умумлаштириш ҳамда статистик таҳлил қилишни ўз ичига олган услублардан фойдаланилган. Бундан ташқари, дала тадқиқот ишлари ўтказилди (объект бўйича петрографик кесма ва профиллар тузиш, намуналар олиш), петрографик усуллар (шаффоф ва силлиқланган шлифлар тайёрлаш), кутбланган микроскоп ёрдамида тоғ жинсларининг таркибини ўрганиш ва таҳлил қилиш каби ишлар бажарилди, элементлар миқдори юқори аниқликка эга бўлган ICP-MS усулида аниқланиб, олинган натижалар статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

Шохетов истиқболли майдонидаги маъданлар ва метасоматик тоғ жинсларининг асосий турлари ажратилган, олтин маъданлашув шимолий-ғарбий тектоник бурдаланиш зоналари билан назоратланувчи турли хил маъдан олди ўзгаришлари билан чегараланганлиги аниқланган;

биринчи марта Шохетов истиқболли майдонида маъдан шакллантирувчи минерал парагенезислари ажратилган ва бир қатор янги минераллар аниқланган, ҳамда уларга хос кимёвий хусусиятлари очиб берилган;

асосий ва ҳамроҳ элементларнинг турли тоғ жинслар ва маъдан турларида тарқалиш хусусиятлари аниқланган, уларнинг маъданлашувга индикаторлик аҳамияти асосланган;

яширин олтин маъданлашувини излашнинг геологик-минералогик ва геокимёвий қидириш белгилари ажратилган ва уларни геология қидирув ишлари амалиётида қўллашга тавсия этилган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

Ауминза тоғларидаги Шохетов истиқболли майдони олтин маъданлашувининг геологик-минералогик ва геохимёвий қидирув-башоратлаш комплекси ажратилган;

истиқболли майдонда олтин маъданлашув шимолий-ғарбий йўналишдаги тектоник дарзланиш зоналари билан маконда уйғунлашган гидротермал ўзгарган тоғ жинсларида намоён бўлганлиги аниқланган;

тоғ-жинслари ва маъданларнинг турлари ажратилган, уларнинг моддий таркиблари аниқланган.

Олинган амалий хулосалар майдондаги олтин маъданлашувининг моддий таркибини аниқлаш имконини беради, ҳамда геология соҳасининг назарий (зоналик, башоратлаш, олтин маъданларнинг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш) ва амалий (қидирув меъзонларини ишлаб чиқиш, маъданлашув чегараларини аниқлаштириш, истиқболли майдонлар ажратиш ва б.) масалаларини ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги ўрганилган объектда олтин маъданлашувини тадқиқ қилиш борасидаги анъанавий усуллар билан бир қаторда, замонавий петрографик, минералогик ва геохимёвий усуллар қўлланилганлиги ва уларнинг натижалари статистик таҳлил қилинганлиги билан асосланади. Олинган натижалар мажмуавий дала ва лаборатория тадқиқотлар материаллари Шохетов истиқболли майдонидаги олтин маъданлашувини муфассал ўрганишга асосланган: 2500 м литологик-структурвий, 1200 м геологик-минералогик кесмалар, 28 та батафсил геологик кузатув нуқталари маълумотлари, 135 та тоғ жинслари намуналари таркибидаги элементларнинг масс-спектрометриқ таҳлил натижалари; бундан ташқари олтин маъданли зоналаридан ва қамровчи жинслардан олинган намуналар бўйича шаффоф (56 та) ва силлиқланган шлифлар (48 та) «Nikon ECLIPSE LV100N POL» микроскопи, («Superprobe, Jeol» JXA-8800R) русумли микроанализатори ёрдамида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Натижаларнинг илмий аҳамияти Шохетов истиқболли майдонидаги олтин маъданлашувининг маҳсулдор минерал ассоциациялари, асосий типоморф минераллари ажратилганлиги ва маъданларининг ҳосил бўлиш шароитлари, геохимёвий хусусиятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ауминза тоғларида яширин олтин маъданлашувини қидирув-башоратлаш ишларида қўлланилишга тавсия этилган геологик-минералогик ва геохимёвий мезонлари комплексини ажратишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ауминза тоғларидаги Шохетов истиқболли майдонида тоғ жинслари ва маъданларнинг моддий таркибини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

олтин маъданлашуви ва уларни қамраб турган тоғ жинсларининг турларини ажратиш ва уларнинг минералогик-петрографик тавсифлари, маҳсулдор минерал парагенезислари бўйича олинган натижалар «Ўзбек геология қидирув» АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва

геология вазирлигининг 2024 йил 8 январдаги 08-0095-сон маълумотномаси). Натижалар геология қидирув ишларини олиб боришда тоғ жинслари ва маъданларнинг моддий таркибини батафсил аниқлаш имконини берган;

асосий ва ҳамроҳ элементларнинг маъдан турлари ва тоғ жинсларидаги тарқалиш хусусиятларига тегишли маълумотлар «Ўзбек геология қидирув» АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 8 январдаги 08-0095-сон маълумотномаси). Натижада, олтин маъданлашуви намоён бўлган майдонлар чегараларига аниқлик киритиш имконини берган;

олтин маъданлашувининг геологик-минералогик ва геохимёвий қидирув-башоратлаш комплекси «Ўзбек геология қидирув» АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 8 январдаги 08-0095-сон маълумотномаси). Натижада, Ауминза тоғларида олтин маъданлашувига истиқболли майдонларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 1 таси чет эл журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бет, 18 та жадвал ва 33 та расмдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган зарурият, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги ва қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг «**Майдоннинг ўрганилиш ҳолати, геологик тузилиши ва тадқиқотлар услуби**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот майдонининг жойлашган ўрни, қатор йиллар давомида турли тадқиқотчилар томонидан муаммонинг ўрганилганлигининг қисқача шарҳи, Ауминза тоғлари ва тадқиқот объекти бўлган Шохетов истиқболли майдонининг геологик тузилиши, магматик ҳосилалари, тектоник вазияти тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Ауминза тоғлари Марказий Қизилқумнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, геотектоник жиҳатдан Жанубий Тянь-Шан структура-формациявий зонасининг Зарафшон-Туркистон бурмаланган системасига киради.

Шу пайтга қадар Ауминза тоғларида турли элементларнинг шлихли ва металлометрик ореоллари, бир қатор олтин конлари, мис ва нодир металлларнинг намоёнлари аниқланган. Лекин янги тадқиқот майдонларидаги камровчи жинслар ва маъданларнинг минералогик-петрографик тавсифлари, геокимёвий хусусиятларини аниқлаш ишларини олиб бориш долзарблигича қолмоқда.

Ауминза тоғлари қатор йиллар давомида тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Хусусан худуднинг геологик тузилиши билан боғлиқ масалаларни (А.С.Аделунг, Ю.А.Лихачев, К.К.Пятков, Н.И.Бухарин, В.Г.Гарьковец, Э.П.Изох, З.А. Юдалевич, В.С. Буртман, Б.Я. Хорева ва б.), эндоген маъданлашувнинг жойлашиш қонуниятлари (Д.Г.Ажгирей, Б.Я.Вихтер, С.Д.Шер, А.Е.Антонов, В.Г.Гарьковец, Н.Б.Вольфсон, Н.Я.Гурейкин, И.М.Евфименко, В.П.Матяш, И.В.Мушкин, Н.И.Назарова, В.А.Хохлов, Г.Д.Шмулевич, В.Н.Ушаков, В.С.Гаврилюк ва б.), камровчи жинслар ва маъданлашувнинг минералогик – геокимёвий хусусиятлари (Ч.Х.Арифлулов, Р.П.Бадалов, Г.Н.Коробейников, К.В.Захаревич, Н.В.Котов, В.П.Проценко, Л.Н.Лисогор, В.Ф.Скрябин, М.С.Карабаев ва б.), геофизик тадқиқотлар (И.А.Фузайлов, П.С.Ревякин, П.В.Храмишкин, Н.М.Идиятуллин, А.К.Роз, В.Р.Лерман, В.М.Хейфец ва б.) турли муаллифлар томонидан кўриб чиқилган ва уларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Худуднинг шарқий ва ғарбий қисмларида мезо-кайнозой ётқизиқлари билан қопланган кечки токамбрий ва фанерозой чўкинди-метаморфик мажмуалари кенг ривожланган.

Фаол бурмаланган пойдевор очилмалари доирасида ауминза, бесапан ва тасказган свиталарининг вулканоген-чўкинди тоғ жинслари жойлашган. Улар литологик таркибнинг сезиларли даражада турли-туманлиги ва тектоник жараёнларнинг жадал намоён бўлганлиги билан ажралиб туради. Бурмаланган пойдевор юқори протерозой ва палеозой ҳосилаларидан ташкил топган. Қоплама ётқизиқлар бўр, палеоген ва тўртламчи давр ҳосилалари билан ифодаланади

Тадқиқот майдонининг тектоник тузилиши нисбатан юқори тартибли қурилмалар билан мураккаблашган Ауминза-Белтау антиклинали билан белгиланади. Антиклиналнинг чўзилиши шимолий-ғарбга, уларнинг паства тушган шарнирлари жануби-шарқий йўналган ва Ауминзатаудан Караката тепаликлари томон чузилган. Бурманинг узунлиги 100 км дан ортиқ, кенглиги 5 дан 15 км гача ўзгариб туради. Антиклинал тасказган ва бесапан свитаси жинсларидан иборат бўлиб, унинг қанотлари майда бурмачалар шаклида эзилган.

Антиклиналнинг ядро қисмида Ауминза ва Мингчукур гранитоид массивлари жойлашган. Шимолроқда, антиклиналнинг нисбатан ясси бўлган қаноти юқори тасказган ва бесапан свитасининг биринчи-иккинчи кенжа свиталари ётқизиқлари, жанубий қанотида эса (Ауминзатау тоғларининг жануби-ғарбий қисмида) «яшил бесапан» (тўртинчи кенжа свита) ётқизиқлари кузатилади.

Магматик ҳосилалар кечки-протерозойнинг вулканитлари, гранитоидли интрузиялар, нордон, ўрта ва асос таркибли дайкалар билан намоён бўлган. Ўрганилаётган ҳудудда қисман очилган Захқудук (Ауминза) ҳамда Мингчукур (тўлиқ кўмилган) интрузив массивлари, майда штоксимон таналар ва турли таркибдаги дайкалар жойлашган. Гранит-адамелитли комплекс билан намоён бўлган Захқудук массиви нотўғри овал шаклга эга, районнинг бурмаланган структурасига мувофиқ равишда шарқий-жанубий-шарқий томон чўзилган, интрузивни бесапан свитаси метатерриген ҳосилалари ва тасказган свитасининг кремнийли жинслари ва амфиболитлари қамраб олган.

Ауминзатов тоғларининг жанубий қисмида Шохетов комплексига тааллуқли лейкократли гранитлар намоён бўлган. Улар майда донадор турмалинли ва биотитли гранитларнинг унча катта бўлмаган таналари билан тақдим этилган. Уларда аплит ва лейкогранитларнинг кам учровчи кичик қалинликлардаги томирлари кузатилади. Таналар атрофида кенгликлари 250 метргача бўлган контакт-метаморфик ҳосилаларга хос турмалин-кварц-биотитли ва биотит-кордиеритли роговиклар ореоли кузатилади.

Хулоса. Тадқиқот ҳудуди Ауминза тоғлари Марказий Қизилқумнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, майдонда интрузив ҳосилалар кам тарқалган, маъданлашувни қамровчи жинслар қуйи палеозой бесапан свитасининг метаморфлашган углеродли сланецларидан, метақумтошлари ва алевролитларидан ташкил топган.

Асосий бурмали структуралар бўлиб, Ауминза-Белтау антиклиналининг ғарбий сарҳадлари хизмат қилган, узилмали ер ёриқлари ҳудудда жуда кенг тарқалган бўлиб, улардан йирик Жанубий Ауминзатау ер ёриғи жанубдан Ауминза-Белтау кўтарилмаси билан чегараланади.

Марказий Қизилқум, жумладан Ауминза тоғлари маъданли конларининг моддий таркибини ўрганиш кенг миқёсда олиб борилганлиги билан бир қаторда, янги майдонларда Шохетов истиқболли майдонида олтин қамровчи тоғ жинслари ва маъданларнинг минералогик ва геокимёвий хусусиятларини очиб бериш, ҳамда унинг натижаларини маъданлашувнинг ҳосил бўлиш шароитларини аниқлаш ва уларни башоратлаш мезонларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотларни узлуксиз равишда олиб бориш талаб этилади.

Диссертациянинг «**Қамровчи ва маъдан олди ўзгарган тоғ жинсларининг таркибий хусусиятлари**» номли иккинчи бобида маъдан қамровчи ҳамда маъдан олди ўзгарган тоғ жинсларининг минералогик-петрографик хусусиятларига оид маълумотлар ўз аксини топган.

Шохетов майдонидаги қамровчи жинслар асосан углеродли хлорит-серицитли, слюда-кремнийли ва қора рангли слюда-хлорит-кремнийли сланецлар ва дала шпатли-кварц-серицит-хлоритли метаалевролит ва қумтошлар билан намоён бўлади.

Ўрганилаётган ҳудудда қумтош ва алевролитлар кенг тарқалган бўлиб, улар нисбатан массив тузилиши билан ажралиб туради; асосан кварц ва плагиоклаз парчаларидан, баъзан фақат плагиоклаздан иборат. Қумтошлар чўкинди-терриген ва туфли хиллари билан ифодаланади, туфли қумтошлар

плагиоклаз (30-35%) ва цементдаги хлорит-серицит массаси (7-10%) ва плагиоклаз бўлакларидан (50% гача) ташкил топган бўлиб, ўрта таркибга эга.

Терриген метакумтошлар таркибида пирит мавжуд бўлиб, улар ўрта донали полимиктли кумтошлар сирасига киради; 45-50% кварц, базальт шишаси, лейкоксендан (ильменит бўйича) ташкил топган, псаммитли структурага эга. Уларда камроқ алевритли тузилишга эга бўлган қатламчалар кузатилиб, таркиби кварц, плагиоклаз, лейкоксен, пирит ва кальцитдан ташкил топган.

Метаалевролитлар дала шпат-кварцли, сланецлашган ҳамда кучли хлоритлашган бўлиб, таркиби (%) хлорит 15-20, кварц 20-25, плагиоклаз 30-35, серицит 15-20, ҳамда оз миқдорда турмалин микро доначаларидан ташкил топган. Тоғ жинсининг структураси бластоалевритли йирик донадор (0,05-0,1 мм) бўлиб, текстураси сланецлашган.

Гранит-порфирлар. Тадқиқот майдонида гранит-порфирларнинг 10x13 метр бўлган ўлчамли майда штоксимон танаси мавжуд бўлиб, унинг эгзоконтакт қисмида қамровчи жинслар термал метаморфизм натижасида сушт даражада қайта кристалланган.

Гранит-порфирлар асосан плагиоклаз (кўпроқ) ва кварцнинг порфирли ажралмаларидан ташкил топган, дарзликлар бўйлаб кучли темирлашган, тоғ жинсининг асосий қисми метасоматик ўзгарган серицитлашган ва сульфидлашган. Бу эса ўз навбатида майдондаги гидротермал маъдан ҳосил қилувчи эритмаларнинг ушбу магматик ҳосилалар билан боғлиқлигини эътироф этишга имкон беради.

Шохетов майдонида ўтказилган минералогик-петрографик тадқиқотлар тоғ жинсларининг маъдан олди ўзгаришлари, асосан серицитлашув, карбонатлашув ва аргиллизитлашув билан намоён бўлганлигини кўрсатади; улар билан маконда уйғунлашган сульфидлашув жараёнлари кузатилади. Ўзгаришларнинг кварц-карбонат-серицитли минерал таркиби мўтадил ривожланган беризитларга хос.

Шохетов майдонида тоғ жинсларининг березитлашув зоналари серицит 25-30%, хлорит 10-15%, карбонат 15-20%, кварц 10-15% ва пиритдан 3-4% ташкил топган. Ушбу минералларнинг миқдори ва уларнинг ўзаро нисбатлари метасоматик зоналарда қайта ҳосил бўлиш жараёнларининг жадаллигига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Кварцлашиш асосан, томирчалар ва метасоматик зоналар кўринишида намоён бўлади. Пирит куб ва изометрик шакллардаги анча йирик доначалари билан кузатилади. Серицитлашишга, биринчи навбатда алевролитлар ва кумтошларнинг метапелитли цементи жалб қилинади, метасоматик ўзгаришнинг кучайиши билан, тоғ жинсларидаги дала шпати ва кварц доначалари ҳам иккиламчи ўзгаришларга учрайди. Пирит метасоматитнинг бутун массаси бўйича майда ҳол-ҳол куринишда, тоғ жинси массаси бўйлаб бир текисда тарқалган.

Шохетов майдонида камроқ миқдорда кварц-альбитли маъдан олди ўзаришлари ҳам тарқалган. Улар асосан албит, кварц, карбонат, камроқ

пиритдан ташкил топган, купрок плагиоклаз-хлоритли сланецлар ва метаалевролитлар бўйлаб ривожланган.

Ўрганилаётган майдонда аргиллизитлашув зоналарининг ташқи қисмида таркибида пирит бўлган турли томирчали шакллардаги карбонатлашув жараёни кенг ривожланган бўлиб, улар маъдан олди ўзгаришларнинг чекка қисмлари ҳисобланади. Тоғ жинсларининг ушбу карбонатлашуви, асосан метакумтошлар ва алевросланецлардаги уячали-томирчали ҳосилалар билан намоён бўлади. Иккиламчи ўзгаришларнинг асосий қисми пирит кристаллари ва кварцнинг уячалари бўлган ўртадондор кальцитдан иборат бўлиб уларда кальцит 85-90%, пирит 3-5%, кварц 5-7% ни ташкил қилади.

Майдондаги аргиллизитлашув сульфид-кумуш-сульфотузли маъданлашув билан бирга кечади ва гидротермал жараёнларнинг охири босқичларида шаклланади. Маъданли минераллашув аргиллизитли метасоматитлар ва улар билан маконда боғлиқ ҳолатда ривожланувчи кварц-карбонатли ассоциацияларнинг ички зонасида жойлашади.

Хулоса. Шохетов майдонидаги қамровчи тоғ жинслари бесапан свитасининг вулканоген-чўкинди ҳосилаларидан иборат бўлиб, уларнинг таркиби асосан кварц, плагиоклаз, хлорит, серицитларнинг турли хил миқдорда бирга келиши билан тавсифланади. Ушбу ҳосилаларда туфли метапелитлар, металевролитлар ва қумтошлар кенг тарқалганлиги аниқланди, ҳамда улар нордон ва ўрта таркибга эга эканлиги этироф этилди.

Шохетов майдонида олтин маъданлашув асосан тоғ жинсларининг маъданолди ўзгариш зоналари билан чегараланган бўлиб, улар таркибига кўра кварц-карбонат-серицитли (березитлашув) ва кварц-албитли метасоматитларга хос. Маъданолди ўзгаришларининг намоён бўлиш даражасига кўра Шохетов майдони маъдан ҳосил қилувчи гидротермал жараёнлар кесимининг юқори қисмларига мувофиқ келиши таъкидланган.

Учинчи боб «**Олтин маъданлашувининг турлари, маҳсулдор парагенезислари ва минералогияси**» деб номланиб тадқиқот майдонида олтин маъданларининг турлари, тарқалиши ва маҳсулдор ассоциациялари, олтин маъданлашувининг минералогик хусусиятлари ҳамда маъданларнинг микроминерал тавсифи тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Ауминзатов тоғларининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган Шохетов майдонидаги маъданли зоналарнинг асосий минераллари пиритдан (сульфидлар умумий қисмининг 85-95 % гача), камроқ арсенопирит, халькопирит, пирротин, сфалерит, ковеллин, галенит, антимонит, аргентит ва кам миқдорда сулфо тузлар ва бошқа минераллардан ташкил топган. Уларнинг миқдорий нисбати метаморфоген ва метасоматик жараёнларнинг фаоллигига, ҳамда маъданларда турли минерал парагенезисларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, бирламчи маъданлар сульфидли минераллашувнинг куйидаги турларини ўз ичига олади:

1. Бирламчи тоғ жинсларидаги сульфидлашув, қамровчи қатламларнинг метаморфизм натижасида қайта ўзгаришидан ҳосил бўлган;

2. Тоғ жинсларининг маъданолди ўзгаришлари натижасида шаклланган сульфидлашув (асосан пирит), алоҳида зоналар ҳосил қилган;

3. Турли тоғ жинслари ва метасоматитларда ёриқлар бўйлаб ривожланган кварц томирлари ва кварцлашиш зоналаридаги турли таркибли сульфидлашув.

Шохетов майдонидаги маъданлашув зоналарининг моддий таркиби ва ҳосил бўлиш шароитларини ўрганиш натижасида олтин маъданларининг икки хил тури ажратилди: майдоннинг юза қисмида жойлашган оксидланган ва пастки қисмидаги (оксидланиш чегарасидан пастда) бирламчи маъданлар.

Бирламчи олтин маъданлари кварц-пирит-арсенопиритли (асосий маҳсулдор) ва кварц-карбонат-полисульфидли (қўшимча маҳсулдор) ассоциацияларнинг маконда жамланиши натижасида шаклланган бўлиб, асосан пирит (90-95%), камроқ арсенопирит, халькопирит, сфалерит, галенит, акантитлардан ташкил топганлиги аниқланган. Минераллашув зоналаридаги майда заррали («кўринмас») олтиннинг асосий қисми сульфидларда мужассам бўлган. Маъданли минераллар ушбу ассоциацияларда кварцлашган зоналарда, уларнинг чекка қисмларида карбонат билан бирга кузатилади

Маъданлашувнинг оксидланган (иккиламчи) турлари майдоннинг юза қисмида, юқорида тавсифланган бирламчи маъданларнинг экзоген шароитларда нураши ва минералларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлади. Оксидланган маъданлашув, нураш пўстининг ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда пастки қисмда жойлашган ярозит-гидрослюдали ва оксидланиш зонасининг юқorigи қисмини ташкил қилувчи гетит-гидрогетит-каолинитли ассоциациялардан иборат. Оксидланиш зонасининг иккиламчи минераллари гётит, гидрогётит, лимонит, ярозит ва соф олтиндан иборат; жинс ҳосил қилувчи минераллардан кварц, серицит, гилли минераллар, гидрослюдадар, карбонатлар кенг тарқалган.

Ушбу маъданлар таркибида майда (5-30 мкм, камроқ 100 мкм гача) соф олтин заррали учрайди. Улар бирламчи маъданлардаги сульфидларнинг (асосан пирит, арсенопирит) парчаланиши ва таркибидаги дисперс олтиннинг ажралиб чиқиши ва қайта тўпланиши натижасида ҳосил бўлган.

Минерал парагенезислари. Кўрсатилган сульфидли маъданлашув турларининг минералогик таркиби ва текстура-структуравий хусусиятларини ўзаро таҳлил қилиш натижасида Шохетов майдонида бирламчи олтин маъданлашувини шакллантирувчи қуйидаги минерал парагенезислари ажратилди:

Метаморфоген сульфидли минераллашуви асосан пирит (пирит-1) билан боғлиқ бўлиб, у майда нуқтачалар ва ксеноморф кўринишда тоғ жинсининг бутун массаси бўйлаб тенг тарқалган. Энг йирик пирит уюмлари ўлчамлари 0,5 мм дан ошмайди, уларнинг агрегат тузилиши донадор. Пиритнинг деярли барча зарралари кучли деформацияга учраган ва катаклазлашган; таркибида қамровчи жинсларнинг қолдиқлари учрайди, бу ҳол метаморфоген жараёнда ҳосил бўлган пирит учун хосдир.

Кварц-серицит-карбонат-пирит (березитли) ассоциацияси. Ушбу турдаги сульфидли минераллашув майдонда дарзланиш зоналари билан боғлиқ бўлиб, тоғ жинсларининг кварцлашиш ва метасоматик ўзгарган қисмларида ҳосил бўлган. Майда донали пирит-2 маъдан олди ўзгаришларининг ички зонасида турли шакллардаги уюмларни ҳосил қилади.

Кварц-пирит-арсенопирит ассоциацияси (асосий маҳсулдор) сульфидли маъданлашувда олтин микдорининг асосий қисми кварцлашган зоналардаги пирит (пирит-3) ва арсенопирит минераллари билан намоён бўлган. Пиритнинг алоҳида метадоначалари баъзида 2-3мм гача бўлган зарраларни ҳосил қилади ва бирламчи маъданлардаги сульфидларнинг асосий (90%) қисмини ташкил этган. Ушбу ассоциацияга тааллуқли кварц-сульфидли томирларидан ажратиб олинган пиритлар таркибида, спектрал таҳлил натижаларига кўра олтин (10-80 г/т) ва кумуш микдорлари (0-50 г/т) аниқланган.

Кварц-карбонат-полисульфидли (пирит-халькопирит-сфалерит-галенитли) ассоциация. Юқорида кўрсатилган маъданли ҳосилаларнинг барчаси 0,5-1мм гача қалинликдаги кварц-карбонат-пирит-4 таркибли томирлар билан кесилади. Улар таркибида кам микдорда халькопирит, сфалерит, галенит учрайди. Ушбу ассоциацияда кумуш сульфиди акантит ҳам кузатилади. Бу томирчаларнинг чет қисмида тоғ жинсларининг хлоритлашиши ривожланган.

Маъданларнинг минералогик тавсифи. Шохетов майдонида пирит асосий маъданли минерал ҳисобланиб, тоғ жинсининг умумий массасидан 2,2% гача ва сульфидларнинг умумий микдорининг 95-99% ташкил қилади. Турли минерал ассоциацияларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш натижасида пиритнинг қуйидаги турлари ажратилди:


Пирит-1 - тоғ жинсларида 0,00н-0,0н катталиқдаги нотўғри шаклда тарқалган доналарни, ҳамда ингичка занжирсимон кўринишдаги узунчоқ кўшимчаларни ҳосил қилган, камроқ пиритнинг доначалари 0,5мм атрофида, минералнинг агрегат тузилиши грануляр. Ушбу пиритнинг доналари ғовакли тузилишга эга бўлиб, уларнинг таркибида номаъдан минералларнинг кўшимталари ҳам учрайди. Бу эса пирит-1 нинг метаморфик жараёнларида шаклланаётганида бирламчи тоғ жинслари минералларини ўзида қамраб олганлигини билдиради. Унинг таркибида кўшимча-элементлардан камроқ кобальт микдори кузатилади (0,11-0,21%).

Пирит-2 маъдан олди ўзгарган тоғ жинслари массаси бўйлаб тарқалган; ўлчамлари 0,3мм гача бўлган куб шаклидаги кристалли доналарни ҳосил қилади; уларнинг тарқалиши одатда кварцлашиш зоналарида кўп учрайди. Ушбу пирит аниқ геометрик шаклга эга бўлиб, таркибида тоғ жинсини ҳосил қилувчи минераллар қайд этилмади. У камроқ алоҳида пентагон додекаэдр кристалллари кўринишида кузатилади.

Пирит-2 билан арсенопирит бирга учрайди, унинг таркибида никел (0,33% гача) ва кобальт (1,41% гача) кўшимталари кузатилади, улар арсенопирит бўйича нотекис тарқалган (расм.1).

Пирит-3 кварц ва арсенопирит билан параген ассоциация ҳосил қилган. Дисперс олтиннинг асосий минерал концентрати ҳисобланади, чунки бирламчи маъданларнинг умумий массасида унинг таркиби арсенопиритникидан анча кўп. Ўзгарган тоғ жинслари ва кварцлашган зоналарда уя, линза ва томир кўринишида учрайди, доналар ўлчами 0,2-1,5мм, пирит кўпроқ 2-3мм гача бўлган метадоначалар ҳосил қилади. Улар бирламчи

маъданлардаги ялпи сульфидлашув асосини (95% гача) ташкил қилади. Ўзига хос қўшимча-элементлардан маргимуш мавжуд (0,37% гача).



1-расм. Арсенопирит кристаллида никел ва кобалтнинг нотекис тарқалиши (а); хлоритлашган тоғ жинсларидаги кварцда акантит минерали (б); кварцдаги пирит хошиялари бўйлаб клаусталитнинг ривожланиши (в). Микрозонд таҳлили: а – элементларнинг растрли тарқалиши; б-в – қайтган электронларда.

Пирит-4 халкопирит, галенит, сфалерит ва кумуш сульфидлари билан ассоциацияда келади. 0,5-1 мм дан қалин бўлмаган ингичка томирларни ҳосил қилади. Пирит доналарида қўшимта сифатида катталиги 0,4-0,5 микронли акантитнинг (кумуш сульфиди) микрозарралари учрайди. Пирит-4 таркибида кобальт, никел, маргимуш, сурма, селен, мис ва кумуш аралашмалари учрайди. Бунда эрта пиритларга нисбатан маргимуш кўрсаткичи камаяди ва никел миқдори ошади (2,19% гача), кобальт (0,77%), бу эса пиритларнинг паст ҳароратли ассоциацияси учун характерлидир. Пирит-4 да миснинг (0,38%) ва кумушнинг (0,14-0,21%) ҳам юқори миқдорлари аниқланган. Сфалерит ва галенит кўпроқ пирит-4 кварц-карбонат-полисульфидли ассоциацияси билан бирга келади. Маъданларда уларнинг миқдори 0,01-0,03% ни ташкил қилади ва 0,01-0,05 мм ўлчамли нотўғри шакллар билан ифодаланган.

Соф олтин тадқиқот майдонида майда, шаклсиз секрециялар, дендритлар кўринишида намоён бўлади. Шохетов майдони маъданларидаги олтин микрозарраларининг асосий қисми оксидланиш зонасида сульфидлар бўйлаб иккиламчи минералларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Маъданларда олтиннинг ажралиши баъзан ғовакли тузилишга эга. Уларда олтин кумуш билан узлуксиз аралашма ҳосил қилиб иккаласи бир хил миқдорда тарқалган.

Оксидланган маъданлар зонасида олтин майда заррали (20, камдан-кам ҳолларда 30 микрон). Олинган маълумотларга кўра, олтиннинг аслик даражаси 776 дан 936 гача ўзгариб туради. Олтин таркибида ҳар доим темир қўшимчаси мавжуд (0,08 дан 4,29% гача), камроқ мис ҳамда олтингугурт - мос равишда 0,02-0,15% ва 0,18-0,53% ўзгариб боради.

Хулоса. Шохетов майдонидаги маъданлашув зоналарининг моддий таркибини ўрганиш натижасида майдоннинг юза қисмида жойлашган

оксидланган ва пастки қисмидаги (оксидланиш чегарасидан пастда) бирламчи маъдан турлари ажратилди.

Бирламчи олтин маъданлашуви кварц-пирит-арсенопиритли (асосий маҳсулдор) ва кварц-карбонат-полисульфидли (қўшимча маҳсулдор) ассоциацияларнинг маконда жамланиши натижасида шаклланган бўлиб, асосан пирит (90-95%), камроқ арсенопирит, халькопирит, сфалерит, галенит, акантитлардан ташкил топганлиги аниқланган.

